

## Етакчилар сайлови

Сайланишга лойиқ бўлиш инсоннинг имконияти ва иқтидорига янада аниқроғи, унинг креатив, лидерлик фаолиятига бориб боғланади. 2018 йил 22 сентябрь куни “Сув хўжалигини ташкил этиш ва бошқариш” факультетига қаршли Б-108 ўқув хонасида факультет декани О.Р.Кучаров, ёшлар билан ишлаш бўйича декан ўринбосари Ж.Р.Турдиев ва институт “Ёшлар иттифоқи” бошланғич ташкилоти етакчиси А.А.Бердимуродов ҳамда факультетда таҳсил олаётган академик гуруҳлар “Ёшлар иттифоқи” етакчилари ва талаба ёшларнинг 57 нафари иштирокида “Сув хўжалигини ташкил этиш ва бошқариш” факультетининг Ёшлар кенгаши ҳисобот-сайлови йиғилиши бўлиб ўтди.

Йиғилишда факультет декани О.Кучаров сўзга чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 5 июлда қабул қилинган “Ёшларга оид давлат сиёсати самарадорлигини ошириш ва Ўзбекистон ёшлар иттифоқи фаолиятини қўллаб-қувватлаш тўғрисида”ги Фармони ва 2017 йил 18 июлдаги “Ўзбекистон ёшлар иттифоқи фаолиятини такомиллаштиришга доир комплекс чоратадбирлар тўғрисида”ги Президент қарори мазмун - моҳияти, шунингдек, ўтган ўқув йилида факультетда амалга оширилган ишлар тўғрисида ўз фикрларини билдириб ўтди.

Йиғилишда шунингдек, институт “Ёшлар иттифоқи” бошланғич ташкилоти етакчиси А.Бердимуродов факультет етакчилиги вазифасини бажариш учун 3 нафар номзодлар рўyxатини ўқиб эшиттириб, иштирокчиларга муваффақият тилади. Шундан сўнг номзодларга очиқ овоз беришларини таъкидлаб ўтди. Сайлов натижасига кўра, факультетнинг 2-курс талабаси Искандаров Хайтбой Хасанбаевич факультет “Ёшлар иттифоқи” етакчиси этиб сайланди.



**“СХТЭ ва Б” факультети декани ўринбосари Ж.Турдиев ахбороти**

**Институт матбуот котиби Раҳимбой Жуманиёзов**